



Ислом Нури

1. Од кавмидан сўнг

Нух кавми кетидан Од кавми келганидек Од кавмига Самуд кавми ворис бўлди.

Самуд кавми жойлашган ер ҳам гўзалликда Од кавми еридан қолишмасди. Ям-яшил водийлар, булоқлар, ёнларидан дарёлар оқиб турувчи бог-роғлар...

Курувчилик ва зироат-деҳқончиликда Самуд ҳам мисли Од каби эди.

Улар ақл-тадбиркорликда хатто Од кавмидан юқорирок турардилар.

Тог-тошларни ўйиб кенг ва катта уйлар қуришар, тошларга хаддан ташқари гўзал нақшлар солар эдилар.

Самуд кавми анча ривожлангани боис, метин тошларни бемалол худди шамъдек турли шаклга солишарди.

Уларнинг шаҳрига қирган киши оғзи очилиб қоларди.

Тоглар каби юксак биноларни қўриб «буларни жинлар қурган бўлса керак» деган ҳаёлга борарди.

Деворларга солинган турфа гуллар баҳор чечакларини ёдга соларди...

Аллоҳ таъоло Самуд кавмига осмону ер баракотларини мўл-кўл ёғдирди.

Осмон улардан ёмгинини аямади. Ер саҳийлик билан бехисоб тухфалар ҳадя қилди.



Ислом Нури

Боглар ширин-шакар мевалар етиштирди.

Аллох таъоло уларнинг ризк-рўзига ҳам, умрларига ҳам баракот ато этди.

2. Самуднинг куфрони неъмат

Ажабки, хад-хисобсиз мана шунча улуг неъматлар Самуд кавмини Аллох ибодатига, шукронага эмас, куфру тугёнга етаклади. Улар Яратганни унутиб, факат кўл остиларидаги нарсалар билан кувониб юравердилар.

«Биздан ҳам куч-қудратли бўлган бирон нарса борми?!» дея кибр билан мағрурланар эдилар. Самуд кавми ўзларини ўлмайдиган дея гумон қилишди. Ўзларича мухташам касрларидан, хушманзара богларидан асло ажралмайдигандек бўлдилар.

Гўё уларнинг тош касрларига ўлим кириб кела олмайди?!

Нахотки улар «Нух кавми чуқур водийда яшаганлиги боис сувга гарк бўлган» деб ўйласалар?!

Балки, Однинг халокатини ҳам уларнинг текисликда яшаганлигидан кўрарлар?!

Ўзларини хавф-хатардан холи, ўлимдан омонда хисоблайдиларми?!

3. Санамларга ибодат қилиш

Самуд кавми шунча ношуқурликлари етмагандек, энди тошларни йўниб бут ясадилар-да, уларга ибодат қила бошлашди...



Ислом Нури

Улар ўзларидан илгари Нух ва Од кавмлари нима қилган бўлсалар, айнан такрорлашга тушдилар.

Аллох таъоло инсонларни тошлар устидан ҳукмрон этиб қўйганди. Лекин, улар жохилликлари сабабли мана шу тошларга кул бўлдилар.

Парвардигори олам инсонни муқаррам қилди, уни турфа ноз-неъматлар билан сийлади.

Аммо инсонлар ўзларини ўзлари хорладилар.

«Албатта Аллох инсонларга асло зулм қилмас. Лекин инсонлар (*ўзлари*) ўзларига зулм қилурлар».

Ажабо, улар қўллари билан йўниб-тарошлаётган тошлар сира-сира ўз ҳокимларига исён қилмайди. Нима қилсалар, жим туриб беришади.

Кизик ҳоким инсон ўзига тўла бўйсундирилган тошлар пойига бош урса, саждалар этиб сизинса-я?!

Кучли ҳеч бир замонда заифга ибодат қилганми?! Подшоҳ ўз кули оёгига саждалар этиб сизинганми?!

Инсонлар Аллохни унутдилар.

Инсонлар ўзларининг ким эканликларини унутдилар.

Инсонлар куч-қудратда тенгсиз яққаю ёлғиз Аллохга кул бўлишни хохламадилар.

Бас, натижада Аллох уларни хор қилиб қўйди.



Ислом Нури

4. Солиҳ алайҳис-салом

Аллох таъоло Самуд кавмига пайгамбар юборишни ирода килди.

Албатта, Пок Парвардигор бандаларининг куфр боткогига ботишига рози бўлмас!

Кавм орасидан Солиҳ исмли яхши насл-насабга эга, окил киши танлаб олинди.

Ёшлигида хамма бу окил-нажиб болага алохида эътибор билан қарарди. Уни кўллари билан кўрсатишиб «Ана Солиҳ» дер эдилар.

- Хали бу бола улуг одам бўлади!

- Кавмнинг оксоколлари, энг бой-бадавлат кишилари каторига киради.

- Ўзининг улкан касри, хушманзара бог-роғларида кайф-сафо килади...

Солиҳ алайҳис-саломнинг отаси хам ўгли хақида факат мана шундай ёки шунга ўхшаш хаёлларни сурарди:

«Хали унинг ўгли акли заковати оркали хаммадан кўп мол-дунё тўплайди. Зотдор аргумок устида ортидан бир гала хизматкорларини эргаштириб чикканида кўрган киши ўглига салом беради.

Хамма «Бу Фалончининг ўгли» деб айтади. Одамлар унинг жуда бахтлилигини ва ўглининг хаддан ташқари катта бойлигини ўзаро гаплашадилар...».

Лекин Аллох таъоло бошка нарсани ирода килганди.



Ислом Нури

Солиҳ алайҳис-салом пайгамбарлик шарафига мушарраф бўлди.

Аллоҳ таъоло инсонларни зулматлардан нурга олиб чиқиш учун уни элчи килиб юборди.

Айтингчи, бундан ҳам улуг шараф борми?

5. Солиҳ алайҳис-салом даъвати

Солиҳ алайҳис-салом кавмига караб баланд овозда шундай деди:

– «Эй кавмим, Аллоҳга ибодат килингиз! Сизлар учун Ундан бошка (бирон) илоҳ йўқдир!».

Бой-бадавлат кимсалар хануз маишат билан, ўйин-кулги билан овора эдилар.

Тош санамларга сизгинувчи бу бандалар хақиқий илоҳни – Аллоҳни танимасдилар.

Солиҳ алайҳис-саломнинг даъвати уларга асло ёкмади. Газаби келган пулдорлар: «Ким у?» дея хизматкорларидан суриштиришди.

– Солиҳ – жавоб берди хизматкорлар.

– Нималар деяпти ўзи?

– У «Аллоҳга ибодат килинглар! Сизлар учун Ундан бошка бирон илоҳ йўқдир! Аллоҳ таъоло ўлганларингиздан сўнг сизларни қайта тирилтиради ва (иймон келтирмаганларни) хору шарманда этади», - деяпти. Яна айтаяпти-ки: «Мен Аллоҳнинг сизларга юборган



Ислом Нури

расулидирман!»

Бойлар масхара килиб кулишди:

– Бечора! Хали у пайгамбар эмишми?! Ахир Унинг хашаматли саройлари, бог-роглари, кенг экинзорлари бўлмаса... Кандай килиб шу (ялангоёк) пайгамбар бўлар экан?!...

6. Бойларнинг галамислиги

Баъзиларнинг Солиҳ алайҳис-саломга мойил бўлаётганини кўрган бой-бадавлат кимсалар ўзларининг бошликликларидан ажраб колишдан кўркиб типирчилаб колишди. Улар дедилар:

«Бу (хеч канака пайгамбар эмас) худди сизлардек (бир оддий) одам, (холос). Сизлар ейдиган нарсани еб, сизлар ичадиган нарсадан ичади».

«Агар ўзларингиз каби (бир) башарга итоат этсангизлар, унда сизлар аник хасратда колурсизлар».

«У сизларга «Ўлиб тупрок ва суяк бўлганингизда(н сўнг кайта хаётга) чиқариласизлар» деб ваъда килаяптими?»

«(Сизларга) ваъда килинаётган нарса(нинг бўлиши) нақадар йирок».

«Факатгина (мана шу) хаёти дунёмиз (бор холос. Шу хаётда) ўламиз ва хаёт кечирамиз (тугиламиз, яшаймиз). Ва биз кайта тургизилувчи эмасмиз!».



Ислом Нури

«У (бир) Аллохга (Аллох номидан) ёлгон тўкиётган киши (холос!) ва биз унга иймон келтиргувчи эмасмиз!».

7. Биз адашибмиз!

Самуд кавми Солиҳ алайҳис-саломга иймон келтирмади.

Солиҳ алайҳис-салом кавмга ваъз-насихатлар килиб, санамларга ибодат килишдан кайтарса, улар жавобан шундай дердилар:

- Эй Солиҳ! Сен ёшлигингда туппа-тузук аклли, бўладиган бола эдинг. Биз сени улгайса, улугларимиздан бўлади деб умид килардик. Биз сени «фалончи, фалончиларга ўхшаб юради» деб ўйлардик.

Сендан эса ҳеч ким чикмади!

Сен тенги аклсиз болалар ҳам бугун улуг одамлар бўлиб етишишди.

Сен бўлсанг факирлик йўлини тутдинг. Биз сени улуг одам бўлади- деб янглишган эканмиз.

Умидимиз чиппакка чикди. Бечора отанг, сени катта килиб нима яхшилиқ кўрди?!

Бечорагина онанг, сени деб куйиб-пишганлари хайф кетди-я!

Солиҳ алайҳис-салом кавмдошлари сўзини жим туриб эшитди. У кавмининг ҳакни кўрмаслигидан каттик афсусланар эди.

Кавмдошлари Солиҳ алайҳис-саломни кўрганларида «Аллох Солиҳнинг отасини раҳмат килсин. Ўгли тузук одам бўлиб чикмади»



Ислом Нури

дейишарди.

8. Солиҳ алайҳис-салом насихати

Солиҳ алайҳис-салом ўз кавмини сабр ва хикмат билан даъват килишда давом этарди.

- Эй кавмдошлар! Сизлар абадул абад мана шу ерда қоламиз деб ўйлаяпсизларми?!

- Мангу мухташам касрлар ичида кайф-сафо қиламиз деган ўйдамисизлар?!

Хаамиша хушманзара бог-роғлар, чаманлар кучоғида ором-осойишта юрамиз деб ният қилаяпсизларми?!

Ўлмасдан, доим тоғларни ўйиб уй солиб юрмокчимисизлар?!

Ўйк, сизларнинг бу хомхаёлларингиз харгиз амалга ошмас!

Хеч қачон ўйлаганларингиз бўлмади! Эй биродарлар! Ахир ота-боболарингиз қаёққа кетди?!

Ақл ишлатиб кўрмайсизларми?!

Ота-боболарингиз ҳам мухташам касрлар қуришганди. Уларнинг ҳам бог-роғлари, катта-катта хурмозар, экинзорлари бор эди.

Оталарингизда худди сизлар қаби тошлардан касрлар қуриб яшардилар.

Лекин шунча мол-мулклари уларга бирон фойда бердими? Уларни



Ислом Нури

Ўлимдан саклаб колдимми?

Ахир ўлим фариштаси оталарингиз жонини дорул бакога олиб кетмаганмиди?!

Худди шундай сизлар ҳам бир куни албатта ўласизлар. Сўнг Аллох таъоло сизларни тирилтириб, хад-хисобсиз неъматларини нималарга сарфлаганингиздан сўрок килади.

9. Мен сизлардан ажру-мукофот тиламайман

Эй кавмдошларим! Нега мендан кочмоқдасиз? Нимадан кўркасизлар? Хотирларингиз жам бўлсин, Менга сизларнинг мол-дунёларингиз керак эмас. Сизлардан ҳеч нарса умидвор эмасман.

Мен сизларга панд-насихатлар килиб, Парвардигоримнинг буйруқларини етказиб тургувчиман холос.

«Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим факат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир».

Эй биродарларим! Нега менга итоат этмайсизлар? Ахир мен сизларга ишончли насихат килгувчиман-ку!

Нега ўзгаларнинг молини ейдиган, одамларга зулм киладиган, фожир, фосик, бузгунчи кимсаларга итоат этасизлар. Самуд кавми Солиҳ алайҳис-саломга жавобан шундай дерди:

«Ҳеч шак-шубҳасиз сен сеҳрланган – аклдан озган кимсалардандирсан. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамдирсан.



Ислom Нури

Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг (*пайгамбарлигингга*) бир оят далил келтиргин!».

10. Аллохнинг туяси

Солиҳ алайҳис-салом деди:

- Сизларга қандай далил-исбот керак?

Кавм айтди:

- Агар хакикатан ҳам пайгамбар бўлсанг, мана шу харсанг ичидан корнида боласи бор тирик туя чикариб бер-чи?!

Одамлар туяни тош эмас, туя тугишини яхши билардилар, Туянинг ердан ўсиб чикмаслиги ёки тошдан пайдо бўлмаслиги ҳаммага маълум эди.

Улар Солиҳни ожиз колдириб, галаба нашидасини суришларига аник ишонгандилар. Лекин Пок Парвардигорга хакикий иймон келтирган Солиҳ алайҳис-салом У зотнинг барча нарсага кодирлигига шубха килмасди.

Солиҳ Парвардигорига илтижо килди. Аллох таъоло ўз набийсининг дуосини беижобат колдирмади.

Харсанг ичидан одамлар талаб килганидек корнида боласи бор туя чикиб келди ва жажжи бўталок тугилди. Одамлар дахшатдан тош котдилар. Лекин улардан фақат бир кишигина иймонга келди.



Ислом Нури

11. Навбат

Солиҳ алайҳис-салом деди:

- Бу Аллохнинг туяси. Яратганнинг мўъжизаси. Сўрагандингиз, Аллох сизларга ўз кудрати билан уни яратиб берди.

«Унга бирон ёмонлик етказманглар-ки, у холда сизларни улуг куннинг - киёматнинг азоби ушлар».

Бу туя Аллох ерида эмин-эркин ўтлаб, сувга кониб юради. Унга сизларнинг бокишингиз ҳам шарт эмас.

Ем-хашак кўп, сув мўл. Бу туя жуда улканлиги билан алоҳида ажралиб турар эди. Кавмнинг кўй-кўзилари, мол-холлари ундан хуркиб кочарди.

Туя сув ичгани келган вақтида бошка чорвалар сувга якин йўламасди. Шу боис сув ичиш навбат килинди. Бир куни туя ичса, бошка бир кун кавмнинг моллари ичарди. Туя факат ўзининг навбати бўлган кундагина сув ичгани борарди.

12. Тугён

Лекин Самуд кавми хаддан ошди, кибрга кетди. Улар «Нега энди молларимиз хар куни сугорилмас экан» деб туяга кўпол муносабатда бўла бошладилар. Солиҳ алайҳис-салом Аллох таъоло мўъжизасига нисбатан юмшок муомалада бўлишни такрор-такрор эслатсалар-да, кавм сира кулок солмасди.

- Ким шу туяни сўя олади?- дейишди улар.



Ислом Нури

- Мен, Мен,- дея икки киши ўрнидан сакраб турди.

Икки бадбахт Аллох туясини ўлдириш ниятида уни пойлаб ўтирдилар. Туя кўриниши биланок биринчиси уни ўк билан отди. Иккинчиси эса сўйиб ташлади.

13. Азоб

Туянинг ўлдирилганини эшитиб, Солиҳ алайҳис-салом беҳад махзун бўлди.

«Шунда (Солиҳ) айтди: «Уй-жойларингизда уч кун (тириклик неъматидан) бахраманд бўлингиз. Мана шу чин ваъдадир».

Мана шу юртда ер юзида фитна-фасод кўзгаб юрадиган тўккизта бузгунчи кимса ҳам яшарди. Улар тунда Солиҳ алайҳис-саломни ва унинг оиласини пинхоний равишда ўлдириб юборишга келишдилар.

- Агар биздан сўрашса, билмаймиз, деб тураверамиз.

Лекин Аллох таъоло Солиҳ алайҳис-саломни ва у кишининг ахли оилаларини золимлар ёмонлигидан асраб колди. Нихоят айтилган уч кун ҳам ўтди. Одамлар тонгни одатдагидек каршиладилар. Баногох каттик зилзила билан дахшатли кичкирик янгради. Мана шу кичкирик зарбидан юраклар ёрилиб кетди. Зилзила окибатида уйлар вайронага айланди.

Ха, дарҳақиқат бу кун Самуд учун жуда каттик кун эди. Харобага айланган шаҳарда биронта тирик жон колмади. Солиҳ алайҳис-салом ва у кишига эргашган мўминлар бу бадбахт шаҳарни ташлаб чикдилар. Энди улар бу ерда нима ҳам килишарди. Кавмининг



Ислом Нури

жасадларига кўзи тушган Солиҳ алайҳис-салом хазин овозда дедилар:

- «Эй кавмим! Дарҳақиқат мен сизларга Парвардигорим рисолатини етказган ва насихатлар қилган эдим. Лекин сизлар насихатгўйларни севмасдингиз».

Бир вақтлар гуллаб яшнаган шаҳар ўрнида хувиллаган сарой харобалари ва ташландик кудукдан бошқа ҳеч нарса қолмади. Бирон жонзот топилмайдиган бўм-бўш кўркинчли шаҳар харобалари кўзга ташланиб турибди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Шомга кетар эканлар Самуд кавми яшаган ерларга яқинлашди. Пайгамбар ўз асхобларига шундай деб буюрди:

- «Ўзларига зулм қилган кимсалар масканларига, уларга етган нарса сизларга ҳам етиб қолишидан кўркиб йиглаган ҳолда қирингиз!»

«Огоҳ бўлингизким, албатта Самуд (қабиласи) Парвардигорларига кофир бўлган эдилар. Огоҳ бўлингизким, Самуд (қабиласи) ҳалокатга учради».